

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШОЙИМОВ ШУКРИЛЛО УМУРЗОҚОВИЧ**

**ҲАРАКАТДАГИ АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ПИЁДА-БОЛАЛАР  
БИЛАН ТЎҚНАШУВИДА ЖАРОҲАТЛАНИШЛАРНИНГ  
СУД-ТИББИЙ ТАВСИФИ**

**14.00.24– Суд тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шойимов Шукрилло Умурзокович**

Ҳаракатдаги автомобилларнинг пиёда-болалар билан  
тўқнашувида жароҳатланишларнинг суд-тиббий тавсифи..... 3

**Шойимов Шукрилло Умурзокович**

Судебно-медицинская характеристика повреждений  
у детей-пешеходов при столкновениях с движущимися  
автомобилями ..... 22

**Shayimov Shukrillo Umirzakovich**

Forensic medical characteristics of the children-pedestrians  
in a collision situations with moving cars..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШОЙИМОВ ШУКРИЛЛО УМУРЗОҚОВИЧ**

**ҲАРАКАТДАГИ АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ПИЁДА-БОЛАЛАР  
БИЛАН Тўқнашувда ЖАРОҲАТЛАНИШЛАРНИНГ  
СУД-ТИББИЙ ТАВСИФИ**

**14.00.24– Суд тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ Бўйича ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1572 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учтилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-соҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Индиаминов Сайит**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Искандаров Алишер Искандарович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хайдаров Хасанали Раҳмонович**

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «4» *авригет* соат *11:00* даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (*766* рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «*23*» *июл* да тарқатилди.  
(2021 йил «*23*» *июл* даги *2* рақамли реестр баённомаси).



*Шайхова*

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

*Отажонов*

**И.О. Отажонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

*Усманов*

**Р.Дж.Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси).**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда оғир механик жароҳатланишлардан 1,35 млн одамлар ҳалок бўлмоқда, шулардан асосий қисми 5 дан 29 ёшгача бўлган болалар ва ёшларга тўғри келиб, улар орасида ўлим ҳамда ногиронликнинг асосий сабаблари бўлиб қолмоқда. Мутахассисларнинг келтирган маълумотларига кўра «...турли ҳодисалар билан боғлиқ оғир кўшалок жароҳатланишлар оқибатидаги болалар ўлими ҳамда ногиронлик ҳолатлари юзасидан кўплаб минтақалардаги мураккаб вазият тиббий –ижтимоий соҳа тадқиқотчилари эътиборини доимо жалб этиб келмоқда...»<sup>1</sup>. Шу сабабли болалар ўлими кўрсаткичларини атрофлича ўрганиш ва таҳлил қилиш, ўлим сабаблари ва тафсилотларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда олдини олиш борасида зарурий чораларни кўриш давлат аҳамиятига эга бўлган тиббиётнинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда автомобил травмаларидан жабрланган болалар жароҳатланишларининг тиббий–ижтимоий тамойилларини такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада пиёда-болаларнинг ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашувида аъзо ва тўқималарга етказилган жароҳатланишлар табиати, шаклланиш жиҳатлари ва механизмини асослаш, шу жумладан автоҳалокат билан боғлиқ жароҳатланишларнинг бошқа турдаги тўмтоқ жароҳатланишлардан фарқ-тафовутларини очиб бериш юзасидан ташҳисот тартибини ва дифференциал ташҳисот мезонларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш жумладан, болаларнинг барча ўлим турларини рўйхатга оладиган ҳудудий ва минтақавий маълумотлар базаларини яратиш, турли жароҳатланишлардан жабрланган болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш ва уларни олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги

<sup>1</sup>Андреева Т.М. Травматизм в Российской Федерации в начале нового тысячелетия /Т.М. Андреева, Е.В. Огрызко, И.А. Редько // Вестник травматологии и ортопедии имени Н.Н. Приорова. – 2007. – №2. – С. 59-63.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4049-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббий ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Транспорт травмалари таркибида автомобил травмаларидан жароҳатланишлар энг кўп сонини ташкил этмоқда (Фетисов В.А., Смиренин С.А., Нестеров А.В., Хабова З.С., 2014; Леонов С.В., Пинчук П.В., 2016). Автомобил травмаларда катта ёшдаги инсонлар жароҳатланишларининг турли жиҳатлари, шунингдек суд-тиббий экспертиза масалалари юзасидан жаҳон миқёсида қатор тизимли тадқиқотлар ўтказилган ва ҳозирги вақтда ҳам олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар автомобил травмалардан жароҳатланишлар хусусиятларни ўрганиш ва уларнинг механизмини баҳолаш билан боғлиқ ҳолатларга қаратилган (Томилин В.В., Пашинян Г.А., 2011; Саркисян Б.А., Паньков И.В., 2014). Бироқ, автомобил травмаларда турли ёшдаги, айниқса кўчаларда ўзлари бемалол ҳаракатланадиган 5-6 ёшдан ошган болаларнинг жароҳатланишлари суд-тиббий жиҳатлари етарлича ўрганилмаган (Породенко В.А., Ануприенко С.А., 2014; Савенкова Е.Н. ва ҳаммуал. 2015; 2018). Транспорт травмаларда болаларга етказилган жароҳатланишларнинг клиник-ижтимоий тамойилларига бирмунча эътибор қаратилган бўлсада, суд-тиббий экспертиза мақсадлари учун ҳаракатдаги автомобилнинг пиёда-болалар билан тўқнашуви ҳолатларида етказилган жароҳатланишлар тизимлантирилмаган ва улар механизмига тўлалигича баҳо берилмаган (Ефимов А.А. ва ҳаммуал., 2008; Кешишян Р.А., 2009; Бухвалов С.А., 2010; Суворов С.Т., 2014). Айрим тадқиқотлар йўловчи болаларнинг салон ичи травмаларида жароҳатланиши хусусиятларига бағишланган (Hamdane H., Serre T., et.al., 2014). Буларнинг барчаси пиёда-болаларнинг ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашувида аъзо ва тўқималарга етказилган жароҳатланишлар табиати, шаклланиш

жиҳатлари ва механизмини асослашга йўналтирилган кўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий русумли автомобиллар иштирокидаги йўл транспорт ҳодисаларида жабрланган болалар жароҳатланишларининг суд-тиббий жиҳатларини ўрганиш борасида қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Индиаминов С.И., ҳаммуал., 2020), бироқ, пиёда-болалар билан тўқнашувидаги жароҳатланишлар шаклланиш жиҳатларини аниқлаш ва механизмини баҳолаш асосида дифференциал ташхисот мезонларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шундай қилиб, ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашув оқибатида турли даражали тан жароҳатлари етказилган пиёда-болаларнинг тўқима ва аъзолари жароҳатлар шаклланиш жиҳатлари ва оқибатларини ўрганиш ҳамда жароҳатланишлар механизмини асослаш тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №2304530 «Кўшма таъсирот факторлари оқибатидаги жароҳатланишларда механогенез ва танотогенезни баҳолаш» (2018-2021 йй.).мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳаракатдаги автомобилларнинг пиёда-болалар билан тўқнашувидаги жароҳатланишлар шаклланиш жиҳатларини аниқлаш ва механизмини баҳолаш асосида дифференциал ташхисот мезонларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашув оқибатида вафот этган ҳамда турли даражали тан жароҳатлари етказилган пиёда-болалар тўқима ва аъзолари жароҳатлар шаклланиш жиҳатлари, учраш частотаси, жойлашув ўрни ва оқибатларини баҳолаш;

пиёда болаларга етказилган тан жароҳатлари жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда, иш материаллари маълумотларини ва автомобиллар кузови консруктив хусусиятларини инобатга олиб, автомобил травмасини фазаларига мос ҳолда жароҳатланишлар механизмини асослаш;

автомобил травмаларидан жароҳатланиш натижасидаги летал оқибатларда пиёда-болалар ўлимнинг асосий ва бевосита сабабларини аниқлаш, нолетал оқибатларда - жароҳатлар оғирлик даражаларини баҳолаш;

автомобил травмасининг мазкур турида пиёда-болаларга етказилган жароҳатланишларни тизимлаштириш ва мазкур ҳолат суд тиббий ташхисоти ҳамда дифференциал ташхисоти юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2010-2020 йиллар давомида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Самарқанд, Навоий ва Жиззах филиалларида текширувдан ўтказилган ҳаракатдаги

автомобиллар билан тўқнашуви оқибатида вафот этган 140 нафар пиёда болалар ҳамда турли даражадаги жароҳатлар етказилган 302 нафар пиёда болалар, уларга оид тиббий хужжатлар, рентгенологик, компьютер томография текширувлар, экспертиза хулосалари, тиббий-криминалистик текширув далолатномалари, ҳолатга доир иш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида пиёда-болаларнинг аъзо ва тўқималари жароҳатларининг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда макроскопик, стереомикроскопик, суд-гистологик, тиббий криминалистик. ўлчаш, таққослаш ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пиёда-болалар танасида жароҳатланишлар шаклланиш механизми автомобил травмаси фазаларига мувофиқ ҳолда баҳоланган ва ташхисот тизими такомиллаштирилган;

бўйи узунлиги  $140,0 \pm 3,0$  смдан баланд пиёда-болаларда оёқ суякларидagi синишлар аксарият ҳолатларда болдир суяклари диафизи ўрта учлигида, бўйи узунлиги  $95,0 \pm 3,0$  смдан юқори ва  $140,0 \pm 3,0$  смдан паст бўлган болаларда эса – синишлар сон суяклари диафизи ўрта учлигида шаклланиши исботланган;

эски русумли енгил автомобилларнинг пиёда-болалар билан тўқнашувида бирламчи зарбаси соҳаларида зарарланган тузилмалардаги ўзгаришлар, замонавий енгил автомобиллар билан тўқнашувида етказилган шу каби зарарланишига нисбатан, оғир даражали жароҳатланишларнинг шаклланиши асосланган;

летал ҳолатларда пиёда-болалар ўлими асосий ва бевосита сабаблари аниқланган, нолетал ҳолатларда - жароҳатлар оғирлик даражалари мезонлари исботланган;

ҳаракатдаги автомобилларнинг пиёда-болалар билан тўқнашувида жароҳатланишлари табиати ҳамда жиҳатларининг аъзо ва тўқималар тузилмалари анатомио-физиологик хусусиятларига бевосита боғлиқлиги тасдиқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳаракатдаги автомобилнинг пиёда-болалар билан тўқнашувида етказилган жароҳатлар механизми ва оғирлик даражасини баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган;

автомобил травмаларида пиёда-болаларга етказилган жароҳатланишлар оқибатидаги ўлим ҳолатларида суд тиббий экспертизалар ўтказиш услубий тавсиялари ишлаб чиқилган;

автомобил травмалари юзага келиши билан боғлиқ аниқланган воқеа тафсилотларига доир маълумотлар мазкур турдаги жароҳатланишлар профилактикасида қўллаш учун тавсия этилган;

пиёда-болалар танасида аниқланган қўшма жароҳатланишлар хусусиятлари ва уларнинг асоратлари тиббий ёрдамнинг турли босқичларида



жабрланган болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал тўпланганлиги, шунингдек, кузатувлар сони етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган катамнестик, морфологик, морфометрик, стереомикроскопик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, олинган натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги ҳамда хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пиёда-болаларнинг ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашуви ҳолатларида етказилган жароҳатлар шаклланиш хусусиятлари, уларнинг механизмини баҳолаш ҳамда автомобил травмасынинг мазкур турида юзага келадиган жароҳатларнинг бошқа турдаги тумтоқ воситалардан жароҳатланишларни фарқлаш бўйича маълумотларнинг тўлдирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мазкур турдаги суд-тиббий текширувлар ўтказишда пиёда-болалар танасида аниқланган жароҳатлар хусусиятларига кўра ҳалокат вақтида болалар тана ҳолати, автомобил ҳаракат йўналиши ва унинг турини аниқлаш каби тергов-суд томонидан қўйиладиган саволлар юзасидан асосланган хулосалар тузишга доир мезонлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳаракатдаги автомобилнинг пиёда-болалар билан тўқнашувида жароҳатланишларнинг суд-тиббий тавсифи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пиёда-болалар ўлими асосий ва бевосита сабаблари ҳамда жароҳатлар оғирлик даражалари бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Автомобиль травмаларида пиёда – болаларга етказилган жароҳатланишлар оқибатидаги ўлим ҳолатларида суд тиббий экспертизалар ўтказиш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 февралдаги 8н-р/167-сон маълумотномаси). Натижада пиёда-болаларнинг ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашуви жараёнига оид суд-тиббий текширувларни тизимли ташкиллаштириш имконини берган;

пиёда-болалар танасида жароҳатланишлар шаклланиш механизми бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ҳаракатдаги автомобилнинг пиёда-болалар билан тўқнашувида етказилган жароҳатлар механизми ва оғирлик даражасини баҳолаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 февралдаги 8н-р/168-сон маълумотномаси). Натижада экспертиза хулосалари ишончилиги ва сифатини ошириш, қўшимча ва такрорий экспертизалар тайинлаш заруриятини олдини олиши мконини берган;

ҳаракатдаги автомобилларнинг пиёда-болалар билан тўқнашувида жароҳатланишлари табиати ҳамда жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий марказининг Навои, Жиззах ва Самарқанд вилоят филиаллари морфология ва амбулатория бўлимлари амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 мартдаги 8н-д/93-сон маълумотномаси). Олинган натижалар суд-тиббий ташхисот муддатини қисқартиришга, иқтисодий сарф-харажатларни камайтиришга ва суд-тиббий текширувлар сифатини яхшилаш ва асослаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси нашр қилинган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳаракатдаги автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашувидаги жароҳатланишлар суд-тиббий жиҳатлари: ҳозирги ҳолати, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари**» деб номланган биринчи бобида автомобил травмаларда пиёда-болаларга етказилган жароҳатланишлар жиҳатлари бўйича жаҳон адабиётлари маълумотларининг таҳлили асосида замонавий автомобиллар иштирокидаги йўл-улов ҳодисаларида пиёда-болалар жароҳатланишига доир маълумотларнинг етарли даражада эмаслиги, айрим маълумотларнинг бир бирига номуносиблиги ва жароҳатланишлар механизмининг суд-тиббий жиҳатлари тўлақонли ўрганилмаганлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Ҳаракатдаги автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашувидаги жароҳатланишларнинг баҳолаш материал ва усуллари**»

деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар қуйидаги 2 гуруҳ кузатувлар асосида олиб борилганлиги ёритилган.

**1 гуруҳ**-ҳаракатланаётган автомобиллар билан тўқнашув натижасида вафот этган 140 нафар болалар жасадлари суд-тиббий экспертизалари натижалари ва унга доир тегишли материаллари маълумотлари атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилинди. Вафот этган пиёда-болалар орасида: ўғил болалар – 91 нафарни, қизлар – 49 нафарни ташкил қилган. Ёши бўйича: 6-7 ёш - 53; 8-10 ёш - 41; 11-14 ёш - 37 ва 15-17 ёшда– 9 та ҳолатдан иборат.

Вафот этган пиёда - болалар билан автомобилларнинг тўқнашувлар энг кўп қисмини Daewoo–uz. замонавий енгил автомобиллар томонидан содир этилган (85). Эски русумдаги енгил автомобиллар (Ваз – 2106, Иж-Москвич) билан тўқнашувлар 18 та ҳолатни ташкил этди. 33 ҳолатда пиёда-болалар Daewoo Damas (15) ва йўловчи ташувчи (5) ҳамда юк автомобиллари (13) билан тўқнашув натижасида жароҳат олишган, қолган 4 ҳолатда автомобилларнинг турлари ва маркалари аниқланмади. Пиёда-болалар билан автоуловларнинг тўқнашуви асосан шаҳар, туман ва маҳалалар ичидаги йўлларда (125) ва 15 та ҳолатда автомагистралларда кузатилган. Жароҳатланган болалар кўпинча воқеа жойларида вафот этганлар (112 нафарни), даволаш-профилактика муассасаларида эса - 28 нафар бола вафот этганлидан далолат беради (1-жадвалга қаранг).

#### 1-жадвал

#### Автомобил травмалари оқибатида вафот этган пиёда-болаларнинг жинси, ёши ва автомобил турлари бўйича маълумот

Автомобил турлари	Сони	Жинси		Пиёда-болалар ёши			
		ўғиллар	қизлар	6-7 ёш	8-10 ёш	11-14 ёш	15-17 ёш
Замонавий русумли енгил автомобиллар	85	91	49	53	41	37	9
Эски русумли енгил автомобиллар	18	13	5	-	12	3	3
Дамас, йўловчи ва юк ташувчи автомобиллар	33	18	15	10	16	6	1
Автомобилларнинг тури аниқланмаган	4	4		-	1	3	-
Жами	140	126	69	63	70	49	13

**2-гуруҳ** -ҳаракатланаётган автомобиллар билан тўқнашувда турли даражали жароҳат олган пиёда-болаларга оид 302 та нолегал ҳолат бўйича суд-тиббий экспертиза натижалари ва уларга доир тегишли материаллар маълумотлари таҳлил қилинди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳаракатланаётган автомобиллар билан тўқнашувда энг кўп жароҳат олган болалар 8-10 ва 11-14 ёшдаги пиёдаларга тўғри келади - 118 ва 91 мос равишда. Пиёдалар орасида ўғил болалар - 169, қизлар - 133. Автомобилларнинг турлари бўйича пиёда-болалар билан

тўқнашувларнинг энг кўпи замонавий енгил русумли автомобилларга тўғри келади (269). Улар орасида Нексия русумли автомобиллар 101 тадан иборат, 28 та ҳолатда пиёда-болалар эски русумли енгил автомобиллар ва 33 та ҳолатда тўқнашувлар, Дамас автомобиллари билан ҳамда 5 та ҳолатда – йўловчи ва юк ташувчи автомобиллар билан тўқнашув содир бўлган. Тўқнашувлар 293 та ҳолатда шаҳарлар, туман - маҳалла ичи йўлларида ва 9 та ҳолатда магистрал йўлларда содир бўлган.

249 ҳолатда пиёда-болаларга шошилиш ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилган, 53 нафар пиёдалар тиббий ёрдамга мурожаат қилмаган. Ҳар иккала гуруҳдаги кузатувларда пиёда-болаларнинг автомобиллар билан тўқнашуви транспорт воситаларининг олд ва ён қисмлар билан содир этилган.

## 2-жадвал

### Автомобил травмаларида пиёда-болаларга турли даражадаги тан жароҳатлари етказилган нолетал ҳолатларнинг болалар жинси, ёши ва автомобиллар турлари бўйича маълумот

Автомобил турлари	Кузатувлар сони	Жинси		Пиёда-болалар ёши				
		ўғиллар	қизлар	4-6 ёш	6-7 ёш	8-10 ёш	11-14 ёш	5-17 ёш
Замонавий енгил русумли автомобиллар	269	169	133	24	56	111	91	15
Эски русумли автомобиллар	28							
Дамас русумли автомобиллар	33							
Йўловчи ташувчи ва юк автомобиллари	5			2	-	3	-	-
Жами	302	169	133	26	56	114	91	15

Тадқиқот жараёнида ҳар бир ҳолат бўйича тўқима ва аъзолар жароҳатлари турлари, жойлашув ўрни, учраш частотаси ва ўзига хос жиҳатлари батафсил ўрганилди ва таҳлил қилинди. Пиёда-болалар танаси қуйи қисмларидаги, айниқса оёқлардаги жароҳатлар жойлашуви бола ёшига боғлиқлигини инобатга олиб, ҳар бир ҳолатда болалар танаси узунлиги ўлчанилди. Летал ҳолатларда ўлимни асосий ва бевосита сабаблари жасадлари суд-тиббий экспертизаси, суд-гистологик текширувлар натижалари ва айрим ҳолларда тиббий криминалистик текширувлар билан асосланди. Нолетал ҳолатларда жароҳатлар тури ва оғирлик даражалари мавжуд тиббий ҳужжатлар, клиник-лаборатор текширувлар ҳамда пиёда-болаларнинг суд-тиббий текшируви ва зарур ҳолларда тор соҳа малакали мутахассислар маслаҳат кўригига асосланиб, амалдаги қоидаларга биноан амалга оширилди.

Жабрланган пиёда-болалар танасидаги жароҳатларишларни ўрганиш ва улар механизмига баҳо беришда автомобиллар кузовлари ташқи қисмлари конструктив хусусиятлари ва ташқарига бўртиб чиқувчи қисмлари ўлчамлари ва уларнинг ер сатҳидан баландлиги инобатга олинди. Пиёда-болалар танасида аниқланган қўшма жароҳатланишлардан қайси соҳа жароҳатланишлари айнан мазкур турдаги автомобил травмаси механизмини асослаш бўйича ўтказилган статистик таҳлилда математик моделлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари морфометрик кўрсаткичлари нисбий қийматларининг ўртача ва минимал хатоси  $M$   $m$  ҳамда  $t$  мезон ва корреляция коэффиценти ишончлилик даражаси ( $R$ ) аниқланди. Натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7.0» персонал компютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Ҳаракатдаги автомобилларнинг пиёда – болалар тўқнашуви билан боғлиқ ўлим ҳолатларида жароҳатланишлар хусусиятлари, механизми ва ўлим сабаблари**» деб номланган учинчи бобида ҳаракатланаётган автомобиллар билан тўқнашувида вафот этган 140 нафар пиёда-болалар жароҳатланишларининг таҳлили натижалари келтирилган.

Қайд этилдики, автомобил травмасининг ушбу турида жабрланган ва вафот этган 140 нафар пиёда - болаларда аниқланган қўшма жароҳатланишлар таркибида - бош-мия, кўкрак қафаси ва аъзолари, қорин бўшлиғи аъзолари тузилмалар жароҳатлари ва қўл-оёқ узун найсимон суякларнинг синиши энг кўп ҳолларда кузатилди. Алоҳида бош-мия жароҳати фақат 16 та ҳолатда қайд этилган бўлиб, қолган барча ҳолатларда бош-мия жароҳатлари тананинг икки ва ундан ортиқ қисми қўшма жароҳатланишлари шаклида, жароҳатланиши кўпинча кўкрак, қорин соҳалар ҳамда қўл-оёқ тузилмалари жароҳатлари билан биргаликда кузатилган.

Бош-мия жароҳатларида 81 та ҳолатда (109 та ҳолатдан) гумбаз суякларида парчаланиб, ботиб ва ёрилиб ҳамда асос суякларида ёрилиб синишлар қайд этилди. Бунда пешона ва чакка-тепа суяклари синиши устунлик қилди. Ушбу маълумотлар болаларда бош-мия жароҳатлари аксарият ҳолларда автоҳалокатнинг 3-босқичида, яъни жабрланганларнинг ер юзасига йиқилишида шаклланганликдан далолат беради.

Пиёда болаларда умуртқа-орқа мия жароҳатлари қўшма жароҳатлар таркибида 36 та ҳолатда аниқланди (25,7%). Алоҳида умуртқа-орқа мия жароҳати фақат саноқли ҳолатларда бўлиб, аксарият жабрланганларда бу тузилма жароҳатлари тананинг бошқа қисмлари жароҳатланишлари ҳамкорлигида кузатилди. Умуртқа-орқа мия жароҳати таркибида бўйин (С) ва кўкрак (Th) соҳалари жароҳатлари кўп ҳолатда қайд этилди (27 та ва 19 та ҳолатда мос ҳолда) ва саноқли ҳолатларда бел (L) умуртқасининг синиши аниқланди. 12 ҳолатда бўйин ва кўкрак умуртқалари қўшма жароҳатлари қайд этилди. Бу тузилма жароҳатларида бўйин юқори умуртқалари жароҳатланишлари устунлик қилди ва бунда айнан энса-бўйин жароҳати энг

кўпни ташкил этди. Кўкрак юқори умуртқаларининг синиши (Th1,2,3,4) ва шунга мос равишда умуртқа–орқа миянинг ушбу қисмлари тузилмалари зарарланиши 7 та ҳолатда аниқланди, пастки кўкрак умуртқалари синиши (Th10-11) фақат 2 та ҳолатда қайд этилди. Кўкрак ва бел умуртқалари синишлари асосан дистракцион ва ротацион хусусиятга эга бўлди. Кўп ҳолларда (36 дан 24 тасида) умуртқа-орқа мия жароҳатларида синиш соҳаларда орқа миянинг тўлиқ ажралиши кузатилди. Ушбу тузилмалар жароҳатларининг бундай хусусияти уларнинг автоҳалокатнинг 1-чи фазасида (кўкрак-бел умуртқалари жароҳатланиши) ва 2-чи фазасида (бўйин умуртқалари жароҳатланиши) содир бўлганлигини кўрсатади.

Пиёда-болаларда кўкрак қафаси тузилмалари жароҳатланиши кўпинча бир томонлама қовурғалар синиши ва ўпка ҳамда юрак лати билан ажралиб туради. Қорин аъзоларининг жароҳатларидан кўпроқ жигарнинг (35), талоқнинг (24), буйрақларнинг (17) ва ичакларнинг жароҳатланишлари (15) ҳолатда кузатилди. Мазкур жароҳатлар табиати учраши асосан автотравманинг 1-ва 3- фазаларида келиб чиққанлигини кўрсатди.

Пиёда-болалардаги оёқ-қўл суяклари синишлари учраш частотаси ва жойлашув ўрни ҳамда сон ва болдир суяклари диафизар синишларнинг учраш частотаси ва корреляция коэффициенти ҳамда регрессив майдони тўғрисидаги маълумот 3 ва 4-жадвалларда ҳамда 1 ва 2 расмларда кўрсатилган. Жадваллардан ва расмлардан кўришиб турибдики, пиёда-болаларда кўпинча сон ва болдир суяklarининг диафизар қисми ўрта учлигида ( $R=0,991-0,995$ ) ва нисбатан кам ҳолларда ушбу суяклар диафизар пастки учлигидан синишлар кузатилган (3, 4-жадваллар) (1, 2-расмлар).


### 3-жадвал

#### Автомобил травмаларида вафот этган пиёда-болаларда қўл-оёқ суяклари синишлари маълумоти


№	Синишлар								
	Тузилмалар	Ўнг томон				Чап томон			
		диафизар				диафизар			
		Жами	Юқори учлик	Ўрта учлик	Пастки учлик	Жами	Юқори учлик	Ўрта учлик	Пастки учлик
1.	Елка суяклари	5	3	2	-	7	2	5	-
2.	Билаксуяклари	2	-	1	1	1	-	-	1
3.	Сон суяклари	19	3	14	2	16	4	10	2
4.	Болдирсуяклари	10	1	7	2	19	1	14	4
	Жами	<b>36</b>	7	24	5	<b>43</b>	7	29	7

**Автомобил травмаларида вафот этган пиёда-болаларда сон ва болдир суякларининг диафизар синишлари корреляция коэффициенти**

№	Синишлар								
	Тузилмалар	Ўнг томон				Чап томон			
		диафизи				диафизи			
		Жами	Юқори учлик	Ўрта учлик	Пастки учлик	Жами	Юқори учлик	Ўрта учлик	Пастки учлик
1.	Сон суяклари	19	3	14	2	16	4	10	2
2.	Болдирсуяклари	10	1	7	2	19	1	14	4
Жами		<b>29</b>	4	21	4	<b>35</b>	5	24	6
Корреляция коэффициенти			$R_1 \approx 0,568$	$R_2 \approx 0,995$	$R_3 \approx 0,702$		$R_4 \approx 0,514$	$R_5 \approx 0,991$	$R_6 \approx 0,797$




**1-расм. Пиёда-болаларда ўнг сон ва болдир суяклари диафизи ўрта учликда синиши кузатилиш ишончилиги регрессив майдони**




**2-расм. Пиёда-болаларда чап сон ва болдир суяклари диафизи ўрта учликда синиши кузатилиш ишончилиги регрессив майдони**

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, сон суякларининг синиши асосан 6 ёшдан 12 ёшгача бўйи  $140,0 \pm 3,0$  смдан паст бўлган болаларда кузатилган. Болдир суякларининг синиши эса кўпинча бўйи  $140,0 \pm 3,0$  смдан баланд бўлган 12-14 ёшдан ошган болаларда кузатилган ва асосан парчаланиб синиш шаклида бўлиб, бу ҳолат ушбу жароҳатларнинг автоҳалокатнинг 1-фазасида шаклланганлигини кўрсатди (3,4-расмлар).



**3-расм. Пиёда-бола 9 ёш (далолатнома №82-126). Сон суяги диафизи ўрта учлигида бампер-синиш. а-олд томон; б-ички томон; в-орқа томон; г- ташқи томон**



**4-расм. Пиёда - бола 14 ёш (далолатнома №6-6). Чап катта болдир суяги диафизини ўрта учлигида парчаланиб синиш. а) ички юзаси; б) орқа юзаси; в) ташқи юзаси.**

Тадқиқот давомида пиёда-болаларнинг йўловчи ташувчи, шу жумладан Damas русумли ва йўловчи ташувчи ҳамда юк машиналари билан тўқнашув ҳолатларида болалардаги жароҳатларнинг хусусиятлари алоҳида таҳлил қилинди (5-жадвал).




**5-жадвал**

**Автомобиллар турига мос ҳолда вафот этган пиёда-болалардаги  
жароҳатланишлар хусусиятлари маълумоти**

№	Қўшма жароҳатларнинг хусусиятлари	Daewoo Damas билан тўқнашувидаги жароҳатланиш-лар	Йўловчи ташувчи юк машиналари билан тўқнашувидаги жароҳатланишлар	жами
1.	Умуртқа орқа мия жароҳати	3	2	5
2.	Бош ва қорин қўшма жароҳати қўшма жароҳати	1	5	6
3.	Бош, кўкрак ва қорин қўшма жароҳати	4	3	7
4.	Бош, қорин ва оёқ-қўллар қўшма жароҳати	3	2	5
5.	Бош ва кўкрак қўшма жароҳати	3	-	3
6.	Бош ва оёқ- қўллар қўшма жароҳати	1	2	3
7.	Бош, кўкрак, қорин, чаноқ ва оёқ-қўллар қўшма жароҳати	-	1	1
8.	Бош, умуртқа ва кўкрак қўшма жароҳати	-	1	1
9.	Бош, кўкрак, қорин, чаноқ ва оёқ-қўллар қўшма жароҳати	-	1	1
10.	Бош, умуртқа кўкрак, қорин ва қўл-оёқлар қўшма жароҳати	-	1	1
Жами		15	18	33

5-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, оғир транспорт воситалари билан тўқнашувда жароҳатланган пиёда-болаларда аксарият ҳолатларда бош мия жароҳатлари тананинг икки ёки ундан ортиқ қисмлари - бош, кўкрак, қорин аъзолари, чаноқ тузилмалари ҳамда оёқ-қўл суяклари синишлари тарзидаги қўшма жароҳатлар билан ифодаланади. Пиёда-болаларнинг ҳаракатланаётган Damas русумли автомобиллари билан тўқнашувида асосан, оғир бош мия, кўкрак ва қорин соҳалари тузилмалари жароҳатланишлари тарзидаги қўшма жароҳатлар кузатилади. Бу ҳолат ушбу автомобил кузови конструкцияси ташқи қисмлари барча юзаларида бир текис қиялик ва бўйлама қияликларга эгаллиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Эски русумли енгил автомобилларнинг пиёда-болалар билан тўқнашувида бирламчи зарба соҳа (асосан сон ва болдир орқа-ён юзалари) тузилмалари зарарланиши даражаси, замонавий русумли автомобиллар тўқнашувида кузатиладиган бу каби жароҳатларга нисбатан салмоқли ва ифодаланган бўлди. Бундан ташқари, пиёда-болаларда болдир суяклари пастки учлигида синиши жойлашув жойи теридаги контактли жароҳатлар жойлашувига мос келмаслиги, шунингдек терида ҳар доим ҳам контактли жароҳатланишлар бўлмаслиги ва бу ҳолат мазкур соҳа тузилмалари анатомо-физиологик хусусиятлари билан боғлиқлиги аниқланди (5-расмга қаранг).



**5-расм. Пиёда-бола 12 ёш,буйи узунлиги 143,0 см. Ўнг болдир суяклари рентгенограммаси. Ўнг болдир суяги диафизи пастки учлигида ёпиқ парчаланиб силжиб сениш**

Диссертациянинг «**Харакатдаги автомобилларнинг пиёда – болалар билан тўқнашувида жабрланган шахсларда (нолетал ҳолларда) жароҳатлар хусусиятлари, механизми ва оғирлик даражаларини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида нолетал ҳолатларда пиёда болалардаги жароҳатларнинг таркиби, хусусиятлари, оғирлик даражалари ва мезонлари таҳлил қилинган.

Жабрланган 302 нафар болалардаги жароҳатлар таҳлили натижаларига кўра, пиёда-болаларда энг кўп учрайдиган жароҳатланишлари кўшма бош мия жароҳати 90 та ҳолатни ташкил этган, шулардан 62 тасида мия чайқалиши ва 28 тасида турли даражали мия лати ҳамда бош асос ва гумбаз суяклари сениши қайд қилинди. 12 та ҳолатда пиёда болаларда гумбаз ва асос суяклари сенишидан ташқари юз суяклари сенишлари (ёноқ суяклари - 6, бурун суяклари - 4, пастки жағ - 2) кузатилди. Бундан ташқари, кўшма бош-мия жароҳатларининг таркибида 5 та ҳолатида тишларнинг сениши ва чиқиши, 1 ҳолатда эса ҳатто ноғора парданинг ёрилиши ҳам қайд этилди. Ушбу маълумотлар пиёда-болаларда бош-мия жароҳатлари асосан автоҳалокатнинг 3-чи фазасида, яъни тананинг ер қопламасига йиқилишида вужудга келганидан дарак беради.

Пиёда-болаларда аниқланган мия чайқалиши ҳолатлари соғлиқни бузилиши давомийлиги асосида соғлиқни бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳатлари даражасида баҳоланди. Мия лати, гумбаз, асос ва юз суяклари сенишлари ҳаёт учун ҳавфлик мезони бўйича оғир тан жароҳатлари сифатида баҳоланган.

Нолетал ҳолатларда пиёда-болалар қўл – оёқ суяклари синишлари ҳам летал ҳолатлардагидек, ушбу турдаги автомобил травмаларда кўп учрайдиган жароҳат тури эканлиги аниқланди. Жабрланган пиёда-болалардаги қўл - оёқ суяклари синиши учраш частотаси, тури ва жойлашув ўрни, летал ҳолатларда 140 нафар пиёда-болаларда кузатилган қўл-оёқ суяклари синишлари натижалари билан солиштириб ўрганилди (6-жадвал).

### 6-жадвал

#### Автомобил травмаларида пиёда-болаларда қўл-оёқ суяклари синишларнинг летал ва нолетал ҳолатлардаги кузатилишининг солиштирма маълумоти

№	Синишлар								
	Тузилмалар	Диафиз				Диафиз			
		Ўнг томон	Юқори учлик	Ўрта учлик	Пастки учлик	Чап томон	Юқори учлик	Ўрта учлик	Пастки учлик
1.	Елка суяги	5 – (3)	3 - (3)	2	-	7	2 - (2)	5	-
2.	Билак суяклари	2	-	1	1	1- (2)	-	-	1
3.	Сон суяги	19 – (9)	3	14 - (9)	2	16	4	10 - (1)	2
4.	Болдир суяклари	10 – (13)	1	7	2	19	1	14 - (4)	4 - (9)
	Жами	<b>36 - (25)</b>	5 – (3)	24 – (9)	5	<b>43 – (2)</b>	7 – (2)	29 – (5)	7 - (9)

Изоҳ: қавс ичидаги рақамлар летал ҳолатига доир кўрсаткичлар

6-жадвалдан кўриниб турибдики, нолетал ҳолатларда пиёда-болаларда ўнг ва чап оёқ суяклари, бошқа суяклар синишларига нисбатан, кўп ҳолларда содир бўлган. Ушбу маълумотлар летал ҳолатлар билан боғлиқ ўтказилган тадқиқотлар натижаларига мос келади.

Таъкидлаб ўтилгандек, сон ва болдир синиқлари уларнинг хусусияти ва жойлашувига кўра, асосан диафизар ўрта учликда кузатилди, синишлар автоҳалокатнинг 1-чи босқичида, яъни автоуловлар кузовлари ташқи буртиб чиқиб турадиган қисмлари зарбаси таъсиридан келиб чиққанлигидан далолат беради. Пиёда-болаларда нолетал ҳолатларда кузатилган сон ва болдир суякларидagi синишлар хусусиятлари ҳамда жойлашув ўринлари ва учраш частотаси, летал ҳолатлардаги ушбу тузилмалар жароҳатларга деярли ўхшаш бўлади. Бу эса ўз навбатида летал ҳолатлардаги жароҳатлар механизмига берилган баҳонинг асослигини тасдиқлайди. Қўл суяклари - елка ва чап билак суяклари синишлар автоҳалокатнинг 3-фазасида, яъни жабрланган бола танасининг ер қопламасига тушишида юзага келишини кўрсатади, чунки бўғим ичи синишлари ва елка суяги бўйин қисми синиши йиқилиш жараёнига хос одатий ҳол ҳисобланади. Пиёда-болаларда қўл ва оёқ суяклари синишлари полиморфлиги болаларда ушбу тузилмаларнинг анатомик ва физиологик хусусиятларига боғлиқлиги билан ифодаланади.

Нолетал ҳолатларда пиёда-болаларда кўкрак тузилмалари ва кўкрак қафаси аъзолари, шунингдек қорин бўшлиғи аъзолари жароҳатлари ҳам летал ҳолатларда кузатилган ушбу тузилмалар жароҳатланишлар табиати билан ўхшашлиги ва уларнинг асосан автотравмаинг 3-фазасида шаклланганлиги қайд қилинди. Бироқ, нолетал ҳолатларда кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзоларида жароҳатланишлар санокли ҳолатларда кузатилади. Шунингдек, чанок аъзолари тузилмалари жароҳатлари ҳам нолетал ҳолатларда камроқ қайд этилди. Таъкидлаш лозимки, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзолари жароҳатлари летал ҳолатларда тананинг бошқа қисмлари қўшма жароҳатлари билан, асосан бош мия оғир жароҳатлари билан биргаликда кечганлиги сабабли, ушбу жароҳатлар госпитал олди даврида болалар ўлимнинг бевосита сабаби бўлган, яъни болаларнинг аксарияти воқеа жойида вафот этганлар. Нолетал ҳолатлардаги бундай жароҳатланишлар ҳаёт учун хавфлилик мезонлари бўйича оғир тан жароҳатлари сифатида баҳоланади. Жабрланган пиёда-болаларда 7 та ҳолатда тос суяклари синишлари қайд этилди ва улар ҳар доимкичик чанок бўшлиғи тузилмалари зарарланиши билан кечганлиги боис ҳаёт учун хавфли оғир тан жароҳатлари сифатида баҳоланди.

Нолетал ҳолатларда пиёда-болаларга етказилган жароҳатлар оғирлик даражалари куйидагича бўлган: оғир тан жароҳатлари - 56, ўртача оғирликдаги -37, енгил, қисқа муддатли соғлиқнинг бузилишига олиб келган - 53, соғлиқнинг бузилишига олиб келмайдиган енгил тан жароҳат – 154 тани ташкил этди ва 2 та ҳолатда тан жароҳатлари аниқланмади. Жароҳатларнинг оғирлик даражасини баҳолашда асосан ҳаёт учун хавфлилик ва соғлиқнинг бузилиши давомийлиги мезонлари қўлланилган.

Пиёда-болаларда аниқланган қўшма жароҳатлар таркибида қайси соҳа жароҳатланишлари мазкур турдаги автомобил травмаларга хослигини аниқлаш учун летал ҳолатлар бўйича ишлаб чиқилган математик моделда таҳлил қилганда бош-мия жароҳатлари ва оёқ-қўл узун найсимон суяклар синишларикорреляцион коэффиценти  $R= 0,8$  дан 1,0 гачани ташкил этди. Айнан шу соҳа жароҳатлари хусусиятлари жароҳатланишлар механизмига ойдинлик киритиш мумкинлигини кўрсатади.

## ХУЛОСАЛАР

«Ҳаракатдаги автомобилларнинг пиёда-болалар билан тўқнашувида жароҳатланишларнинг суд-тиббий тавсифи» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Автомобил травмалардан вафот этган пиёда-болаларда шаклланишига қўшма жароҳатланишлар таркибида бош-мия тузилмалари (78%), кўкрак қафаси (46,4%), қорин бўшлиғи аъзолари (50,2%) жароҳатлари ҳамда оёқ-қўллар узун найсимон суяклари синиши (55%)лари энг кўп қисмини ташкил этади. Йўловчи ва юк ташувчи автомобиллар билан пиёда-болалар тўқнашуви ҳолатларида тана қисмлари қўшма жароҳатлар салмоғи

янада юқори бўлади. Пиёда - болаларда кўшма бош-мия жароҳатларининг аксарият ҳолларда пешона, чакка ва юз скелети суяклари синиши билан биргаликда кузатилиши, уларнинг асосан автомобил травмалари 3-чи фазасида, яъни пиёда-болаларнинг ер қопламаларига йиқирилиши ҳолатларида шаклланишдан далолат беради.

2. Пиёда-болаларда кўкрак қафаси тузилмалари жароҳатланиши кўпинча бир томонлама қовурғалар синиши ва ўпка лати билан ажралиб туради. Қорин бўшлиғи аъзолари жароҳатлари таркибида эса паренхиматоз органлар зарарланиши юқори даражали бўлади. Мазкур соҳалар жароҳатланишлари зарба ва чайқалиш ҳолатлари билан боқлиқлигини ҳамда уларнинг автомобил травмалари 1-чи ва 3- фазаларида шаклланиш эҳтимоли юқорилигидан далолат беради. Пиёда-болаларда умуртқа-орқа мия жароҳатларида бўйин ва кўкрак юқори умуртқалари дистракцион ва ротацион жароҳатланишлари ҳамда кўп ҳолларда шу соҳаларда умуртқа поғонасининг ажралиши қайд этилади. Бу ҳолат ушбу тузилмалар жароҳатларининг бундай хусусияти уларнинг автоҳалокатнинг 1-чи фазасида (кўкрак-бел умуртқалари жароҳатланиши) ва 2-чи фазасида (бўйин умуртқалари жароҳатланиши) содир бўлганлигидан далолат беради.

3. Пиёда-болаларда сон ва болдир суяklarининг синиши ушбу турдаги автомобил травмалари учун характерли бўлиб, кўп ҳолларда парчаланиб ва айрим ҳолларда - бампер тарзда синиши кузатилади (1-фаза). Сон суяклари синишлари кўпинча 6-12 ёшгача, бўйи баландлиги  $140,0 \pm 3,0$  смдан паст бўлган болаларда кузатилса, болдир суяклари синишлари 12-14 ёшдан ошган, бўйи баландлиги  $140,0 \pm 3,0$  смдан кўп бўлган пиёда болаларда кузатилади. Эски русумли енгил автомобилларнинг пиёда-болалар билан тўқнашувида ушбу соҳа тузилмалари зарарланиши даражаси, замонавий русумли автомобиллар тўқнашуви билан боғлиқ бу каби жароҳатланишларга нисбатан, салмоқли ва ифодаланган бўлади. Пиёда-болаларда болдир суяклари пастки учлигида синиши жойлашув ўрни теридаги контактли жароҳатлар жойлашув ўрнига мос келмаслиги мумкин, бу ҳолат мазкур соҳа тузилмалари анатомио-физиологик хусусиятлари, яъни суяк тузилмаси ўсиш зонаси заифлиги билан изоҳланади.

4. Ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашувда нолатал ҳолатларда пиёда-болаларда бош-мия жароҳатлари - мия чайқалиши, турли даражали лат ейиши ва бош суяклари (кўпинча пешона, чакка суяклар), шунингдек кўл – оёқ узун найсимон суяклари синишлари кузатилади. Нолатал ҳолатларда кўкрак, қорин ва чаноқ соҳалари аъзолари жароҳатланишлари ҳамда умуртқа-орқа мия жароҳатлари кам ҳолларда қайд этилади, чунки бу каби жароҳатланишларда кўп ҳолларда жабрланган болаларда ҳодиса жойларида летал оқибат кузатилади.

5. Нолатал ҳолатларда пиёда-болаларда энг кўп ҳолларда (68,5 %) енгил даражали жароҳатланишлар ва кам ҳолларда оғир ёки ўрта даражадаги жароҳатлар кузатилади (18,6 ва 12,2%). Жароҳатлар оғирлик даражаларини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳаёт учун хавфлилик ва соғлиқнинг

бузилиши давомийлиги, айрим ҳолларда – умуммеҳнат қобилиятининг турғун йўқотилиш миқдори ҳамда аъзо ёки унинг фаолияти йўқотилиши ҳисобланади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**  

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ШОЙИМОВ ШУКРИЛЛО УМУРЗОКОВИЧ**

**СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПОВРЕЖДЕНИЙ У  
ДЕТЕЙ-ПЕШЕХОДОВ ПРИ СТОЛКНОВЕНИЯХ С ДВИЖУЩИМИСЯ  
АВТОМОБИЛЯМИ**

**14.00.24 – Судебная медицина**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2020.4.PhD/Tib1572

Диссертация выполнена в Самаркандском Государственном медицинском институте.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** Индиаминов Сайт  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Искандаров Алишер Искандарович,  
доктор медицинских наук, профессор

Хайдаров Хасанали Рахмонович  
кандидат медицинских наук, доцент


**Ведущая организация:** Андижанский государственный  
медицинский институт


Защита диссертации состоится «4» августа 2021 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании Разового Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib30.03. при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № 766). Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25.

Автореферат диссертации разослан «23» мая 2021 года  
(реестр протокола рассылки № 2 от «23» мая 2021 года).



  
**Г.И. Шайхова**  
Председатель разового Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

  
**И.О. Отажонов**  
Ученый секретарь разового научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат медицинских наук

  
**Р.Дж. Усманов**  
Председатель разового Научного семинара при Разовом Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире от тяжелых механических травм умирают 1,35 миллиона людей, большинство из которых составляют дети и молодые люди в возрасте от 5 до 29 лет, и это остается основной причиной смерти и инвалидности среди них. По предоставленным данным экспертов «...во многих регионах сложная ситуация с детской смертностью и инвалидностью из-за тяжелых сочетанных травм, обусловленных различными обстоятельствами постоянно привлекает внимание исследователей медико-социальных сфер...»<sup>3</sup> всестороннее изучение и анализ показателей детской смертности, своевременное выявление обстоятельств смерти и принятие необходимых мер по их предотвращению составляют одну из важнейших проблем медицины общегосударственного значения.

Во всем мире проводится ряд научных исследований по совершенствованию медицинских и социальных аспектов детского автомобильного травматизма. Важное значение имеют научные исследования, направленные для обоснования характера, особенностей формирования и механизма повреждений органов и тканей у детей-пешеходов при их столкновениях с движущимися транспортными средствами, а также совершенствование методов диагностики и разработки критериев дифференциальной диагностики этих повреждений от других видов тупых травм.

В нашей стране предпринимаются комплексные меры по дальнейшему повышению эффективности реформ здравоохранения, включая создание региональных и государственных баз данных, регистрирующих все виды детской смертности, повышение качества оказания квалифицированной медицинской помощи детям с различными травмами и их профилактики. В этом направлении, в соответствии с пятью приоритетными направлениями Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, определены задачи по повышению медицинских услуг на новый уровень «... повышение удобства и качества специализированных медицинских услуг, дальнейшее реформирование системы экстренной и неотложной помощи, профилактика инвалидности ...»<sup>4</sup>.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 7 февраля 2017 года; № УП-6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности реформ в системе здравоохранения»; от 12 ноября 2020 года,

---

<sup>3</sup> Андреева Т.М., Огрызко Е.В., Редько И.А. Травматизм в Российской Федерации в начале нового тысячелетия // Вестник травматологии и ортопедии имени Н.Н. Приорова. – 2007. – №2. – С. 59-63.

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

№ ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года; № ПП-4049 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности судебно-медицинской службы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан» от 4 декабря 2018 года; № ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки» от 6 мая 2019 года; № ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению здоровья населения путем дальнейшего повышения эффективности медицинской профилактики» от 12 ноября 2020 года и другими нормативными актами, относящимися к данной деятельности.

